*Тарих — миллат кўзгуси*

# Муҳр гувоҳлик беради

Аср бошидаги Бухоро халқ инқилоби аслида Россия қуролли кучларининг фаол ҳаракати натижаси эканлиги бугунги кунда ҳеч ким учун сир эмас. Бухоро Россия босқинчилик сиёсатининг навбатдаги қурбони бўлди. Вазиятни чуқурроқ ўрганиш фожианинг қандай тайёрланганлиги ва рўёбга чиқарилганлигининг янги тафсилотларини очиб бериши мумкин.

XX аср бошларида Бухоро маданияти тарихини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий архивида иш олиб бораётганимизда авваллари эътибордан четда қолган бир муаммога дуч келдик, балки илгари бу тўғрида матбуотда ёзиш мумкин бўлмагандир.

1920 йил сентябрда Бухорода ҳокимиятни ўз қўлига олган янги ҳукумат халқ таълимини ислоҳ қилишни долзарб вазифа сифатида белгилайди. Шу муносабат билан жойлардан маориф Халқ нозирлигига илтимоснома, таклифлар битилган хатлар, ахборотлар кўплаб келиб туради. Ахборот ва далолатномаларга ташкилотнинг муҳри босилган. Биз эътиборни ана шу муҳрларнинг тасвири ва уларга битилган матнга қаратмоқчимиз.

Мисол тариқасида Ғиждувон тумани Ревкомининг (Инқилобий қўмитасининг) муҳрини келтирамиз. Муҳр ревкомнинг Бухоро Халқ шўролар жумҳуриятининг Маориф Нозирлигига 1920 йил 21 октябрда юборилган хатига босилган. Муҳр юмалоқ бўлиб, унинг айланаси атрофига қўйидаги сўзлар: «Б.С.Р. Революцион комитет с. Ғиждувон», ўртасига эса қуёшдан нур олаётган ўроқ ва болға белгиси остида «РСФСР Пролетари всех стран соединяйтесь!» — деб битилган.

(Ўз.РМДА.Ф.56,рўйхат-1, йиғма жилд №10, 4в)

Муҳр табиий равишда бирқанча саволларни келтириб чиқаради. Рус тилидан хабари бўлмаган, Бухородан анчагина олисда жойлашган Ғиждувон қишлоғидагилар учун ажнабий тилда ёзилган муҳр нима учун керак бўлди экан? Сўзсиз, муҳрни юқоридаги кўринишда ясаш ғояси фақат Россияда етилиб пишган ва амалга оширилган.

Энди хат ёзилган вақтга эътиборни қаратамиз: 1920 йил 21 октябрь. «Инқилоб»дан бор-йўғи бир ойдан ортиқроқ вақт ўтган. Шу даврда рус тилида Бухоро халқ шўролар жумҳуриятининг барча вилоят, туманлари партия, шўро, ҳукумат идоралари, ташкилотлари ва корхоналар учун Бухоронинг ўзида муҳрларни тайёрлаб бўлармикин? Муҳр Бухоро сарҳадидан ташқарида Россия шаҳарларидан бирида тайёрланганлигини исботлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Ундан ташқари Россия Компартияси Бухорода «халқ инқилоби»ни режалаштираётган вақтда келажакда тўқнашиши мумкин бўлган ишларнинг ипидан игнасигача тайёрлаб қўйилган дейишга асос бор. Шундан кейингина Фрунзенинг Бухорога қонли юриши бошланган.

Нима учун БХШЖнинг мустақиллигини расмий равишда тан олган Россиянинг қисқартирилган номи «РСФСР» Ғиждувон ревкомининг муҳрига битилди? Буни Россия компартияси раҳбарлари олдиндан кўнглига тугиб қўйган бўлиши керак. Бизнингча, шундай. Чунки, кейинчалик учрайдиган муҳрларда Ғиждувон мисолида хато бир оз бўлсада тузатилади. Уларнинг матни икки тилда рус ва ўзбек (араб графикасида) тилларида битилган.

Юқоридаги каби тартибда ясалган муҳрлар Қарши, Термиз, Шаҳрисабз, Шофиркон, Султонобод, Хатирчи ва бошқа барча шаҳар ва туманлар маориф идораларига тегишли.

Мўъжазгина қиссадан ҳисса шуки келажаги буюк Ватанимизнинг тарихини ҳозирча чуқур ўрганилмаган саҳифалари кўп. Эски араб графикасида туркий ва форсий тилларда ёзилган архив материалларини ўз навбатида кутиб турган минглаб бебаҳо қўлёзмаларни ўрганиш кутилмаган илмий хулосаларга олиб келиши мумкин. Уларни матбуотда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасининг тамойилларини шакллантиришга ва шу орқали ёшларда ватанпарварлик ҳиссиётини тарбиялашга қўшилган ҳисса бўлиши муқаррар.

***Э. ОРИФЖОНОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг «Ўзбекистон тарихи» кафедраси бошлиғи, тарих фанлари номзоди, доцент***

*Қўнғироқ*

## Уволи тутмайдими?..

Пахта миллий ифтихоримиз, бойлигимиз. Уни оқолтин деб эъзозлаймиз. Чигитни ерга қадаб, ундириб олгунча деҳқонларимиз тиним билмайди. Қалб қўри, пешона тери билан етиштирилган пахтанинг бир мисқолини ҳам қолдирмай, териб олишга ҳаракат қилади. Хирмонлар бўй чўзганда кўнгли тўлиб, ғурурланади.

Афсуски, нонниг бўлаги ҳам, увоғи ҳам нон деганларидек, юрт ифтихори саналган пахтадек бойлигимизни нес-нобуд бўлишига йўл қўйилаётганидан ҳайрон қоласан, киши. Гап шундаки, Гўзалкент, Пастдарғом туманлари ҳудудидан ўтган катта йўл ёқасида Зарбдор, Мевали, Беклар, Эскижума, Торариқ, Чарҳин каби қишлоқлар жойлашган. Бу йўлда автомашиналар қатнови узлуксиз давом этади. Аҳоли ишга, болалар ўқишга қатнайди. Пастдарғом туманининг «Машъал», Қўчқор Тўраев номли жамоа хўжаликлари ҳам шу ҳудудда жойлашган. Ҳар гал шу йўлдан ўтаётиб ноxуш манзарага дуч келаман. Йўл ёқаларида ҳовуч-ҳовуч пахта машиналар шамолида елпиниб гоҳ у, гоҳ бу томонга думалайди. Гўё териш мавсуми тугамагандек. Ҳар қалай қиш эмасми, қор-ёмғир остида қолиб, момиқларнинг қанчаси лойга беланган. Эндигина тўкилганлари эса гўё «жон» асрамоқчидек, у ёқдан бу ёққа юлқинади. Ахир бу йўлдан кунига ўнлаб пахта ортилган машиналар қабул пунктларидан қайта ишлаш корхоналарига қатнайди. Уларнинг носозлиги, ҳайдовчиларнинг бепарволиги оқибатида ана шундай ачинарли ҳолат юзага келмоқда. Наҳотки, пахтани машиналарга ортиб заводларга жўнатаётган «миришкорлар» йўл-йўлакай содир бўлиши мумкин бўлган бундай кўринишни сезишмаса. Ахир шу йўлдан мутассади раҳбарлар ҳам ўтадилар-ку. Бойлигимиз бўлган пахтага шунчалик ҳам бепарволик, лоқайдлик бўладими?

***Эркатош ШУКУРОВА,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири***

# Ватаннинг суянч тоғлари





Тошкент Давлат университетида шов-шув, нима эмиш, энди «Ёзувчи дарси» ўзбек филологияси факультетининг ҳафталик дарслар режимига киритилар эмиш. Ахир, қуруқ назария эшитавериб чарчаган талабалар амалий дарсларни нечоғли соғиниб қолишини гапирмаса ҳам бўлади. Мактаб партасида эшитган казо-казо шоир, ёзувчи ва журналистлар ҳақида эндигина талаба бўлдим деганингизда юзма-юз учрашсангиз, ҳатто суҳбатидан баҳраманд бўлсангиз, адабиётга, бадиийятга интиқ кўнгилда бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми?!

Ҳа, олий даргоҳнинг филология факультети ташаббуси билан амалий дарс ташкил этилгани рост. Шеър туғилишининг фараҳбахш онлари — шоир ўз қобиғидан чиқиб оламни сайр этиш онлари гўзал, бетакрор, инсон қалби тилсимотига ошно бўлиш эса ҳар доим ҳам насиб этавермайди. Ушбу суратларда акс этган нигоҳларга бир назар ташланг, илмга чанқоқ кўнгилларнинг борлиғи бир нуқтага қадалган — янги гап истаб, янги тафаккур истаб, гўзалми?!

Ҳа, талабалар билан қизғин кечаётган ёзувчи дарслари мантиқан ҳам, маънан ҳам жуда керак эди. Ўзбек филологияси факультети зиёлиларининг сайъ-ҳаракатлари албатта, ўз натижасини беради. Талабалар кўнглида уйғонаётган ҳислар поғоналар оша олдинга интилиш ҳисси келажакда юксак чўққиларни забт этишда муҳимдир.

*Юсуф ЖЎРАЕВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*
*Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.*





## Мослама ташҳис қўяди

Андижон тиббиёт институти клиник шифохонасининг радиология бўлимида компьютерлашган томограф-ташҳислаш аппарати ишга туширилди. Бу тиббий мослама бир қатор афзалликларга эга. Германиядаги «Сименс» фирмасида тайёрланган аппарат ёрдамида инсон танаси аъзоларини турли томондан кўриш, тасвирга тушириш, ташхис қўйиш мумкин. Айниқса, ҳомиладор аёллар саломатлигини назоратдан ўтказишда жуда қўл келади. Шифокор А. Алиев билан рентгенолог Б. Нажмиддиновлар янги мослама ёрдамида беморларга хизмат кўрсатишни бошлаб юборишди. Бу ускунани ўрнатишга «Сименс» ҳамда Санк-Петербургдаги «Климит» фирмаси мутахассислари ёрдам беришди.

***Аҳмадулло СОЛИЕВ***

## Қад ростлаётган Шарқ

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда «Ўзбекистон — Япония: маданий ҳамкорлик истиқболлари» мавзуида давра суҳбати ўтказдилар. Анжуманда Миллий матбуот маркази ходимлари, Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти талабалари, журналистлар ҳамда Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Ишхара жаноблари иштирок этишди. Нафис суҳбатда икки давлат ўртасидаги истиқболли алоқаларни кенгайтириш, дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, фан, санъат соҳаларини ривожлантириш масалалари кўтарилди.

***Аслиддин СУЮНОВ***

*Спорт*

## Ўзини кўрсатди

Болгариянинг Пловдив шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро мусобақада Ватанимиз чарм қўлқоп усталари муваффақиятли куч синашдилар. 15 мамлакатдан 100 нафар боксчи иштирок этган бу мусобақада таниқли чарм қўлқоп устаси Руслан Чагаев ўзини кўрсатди. У уч марта олимпиада чемпиони кубалик Феликс Саван билан жанг қилиб, ажойиб ғалабага эришди. Руслан Бангкокда ўтказилган Осиё ўйинларида ҳам ғолиблик супасига кўтарилиб, Ватанимиз байроғини ҳилпиратишга эришган эди. Болгариядан шунингдек Муҳаммадқодир Абдуллаев кумуш, Сергей Михайлов бронза медаллари билан қайтишди.

## Кучлилар сараланмоқда

Анъанавий равишда ўтказилаётган «Пахтакор — 79» хотира турнири мавсумолди машқларини тобига етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Гуруҳлардаги саралаш учрашувлари Фарғона, Тошкент , Қарши шаҳарларида давом этди. «Нефтчи» ва «Насаф» футболчилари биринчилар қатори ярим финалга йўлланма олишди. Қолган ярим финалчилар эрта-индин ўтказиладиган «Роҳат» — МҲСК, «Дўстлик» — «Сўғдиёна» жамоалари учрашувларидан кейин аниқланади.

## Биринчи Осиё чемпионати

Мини футболнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу йил бир неча марта спортнинг мазкур тури бўйича Осиё чемпионатини ўтказиш мўлжалланмоқда. 5-10 март кунлари Малайзия пойтахтида илк марта ўтказиладиган мусобақада 9 мамлакат терма жамоаси қатнашадиган бўлди. Хусусан, «А» гуруҳида Қирғизистон, Корея, Сингапур, Таиланд ва Эрон жамоалари ўзаро куч синашса «В» гуруҳида Ўзбекистон, Қозоғистон, Малайзия ва Япония футболчилари баҳслашадилар. Ҳар бир гуруҳда ғолиб келган иккитадан жамоа ярим финалга йўлланма олади.

*Журналист текшируви*

# Қонун ўзга, ҳаёт ўзгами?

**Муҳарририятга келган мактубдан:** ***«Ҳозир 80 ёшга кирдим. Саккиз нафар болам қатори неварам Муҳайёни ҳам бошига кўргуликлар тушганидан кейин ўзим катта қилдим. У Тошкентда чет тиллар институтини битириб, холаси Очилой Нажимовага келин бўлди. Мактабда икки йил ишлади ва қиз фарзанд кўрди. Рўзғордаги «чизиқ»дан ҳамма юриши шарт эди. Бироқ замонавий кийиниб ўрганган Муҳайё бирданига паранжига киролмади. Тирноқ остидан кир қидирган Очилой таёқ-тўқмоққа ўтди. Чиллали аёлни қишлоқ кўчаларида судраб урди, боласини қўлидан олиб, кўчага ҳайдашди...***

***Муҳайё Қарши ва Китобдаги руҳий касалликлар шифохоналарида уч марта даволанди. Онаси борбудидан айрилди. Бу орада Расулов Юсуф ўғли Низомни хотинидан ажратиб олиш учун адвокат Иномова Матлубани ёллади. Муҳайёнинг онасини бир неча бор суд идорасига чақириб, «қизингизнинг руҳий касал эканлиги ҳақида кўрсатма беринг», деб қисташди. Расулов Низом 1998 йил 18 апрелда яна тўй қилиб уйланди. Қизим Саида (Муҳайёнинг онаси) никоҳ бекор қилинмасдан туриб, бўлаётган ишлардан ҳайрон. Суд «биз ажратганимиз йўқ, ФҲДЁ ажратади», дейди. ФҲДЁ идораси эса «аввал суд, кейин биз ажратамиз», дейди. Натижада бир бола тирик етим, Муҳайё билан онаси сарсон, етти ука ва қавму қариндош изтиробда. Мен она сифатида Китоб туман суд, прокуратура, ФҲДЁ, қишлоқ кенгаши идоралари ишидан норозиман. Халқимиз ишонган қонун эгалари қандай жиноий ишларга қўл урмоқдалар?...»***

Муҳарририятга мактуб йўллаган Малика момо (хатни қизи Шафоатга ёздирган экан) яшаётган Дониёршайх қишлоғида, Саида ва Очилой Нажимовалар хонадонида бўлдик. Оғир кунларни бошидан кечирган Малика момо саккиз нафар фарзандини касб-корли, ўқимишли кишилар қилиб тарбиялабди. Улар орасида ўқитувчилар, шифокорлар бор. Йигирма етти йилдан буён мактабда ишлаётган Саида опа ҳам олий маълумотли, бошланғич таълим ўқитувчиси. Муҳайё ҳам она изидан борган. Холаси Очилой опанинг умр йўлдоши Юсуф ака Расулов ҳам муаллим, бир неча йил мактабга раҳбарлик қилган, ҳамкасблари ўртасида обрў-эътиборли. Бу оиладан ҳам ўқитувчилар, меъморлар, бошқа касб соҳиблари етишиб чиқмоқда. Шундай зиёли, оқ-қорани таниган, қариндошлик ришталари билан боғланган оилалар нега низолашиб юрибди?

Ҳамма гап ана шу «қон-қариндошликка» келиб тақалмоқда. Дониёршайх қишлоғи аҳолисининг аксари «хўжа»лар («Фарғона тонг отгунча» асаридаги Ғуломжон ва Ҳаётхон тақдирини эсланг!) экан. Ўтмиш ақидаси бўйича хўжа қизи, албатта, хўжага турмушга чиқиши керак. Саида Нажимова ҳаётининг аламли саҳифалари асли шундан бошланади. Уни техникумни тугатишига ҳам қўймай отасининг Чироқчи туманидаги қариндошига узатишади. Турмуши бузилиб, қишлоққа қайтганда қизи Муҳайё туғилади. Ўшанда поччаси Юсуф Расуловнинг хотини ўлиб, ўнта фарзанди билан сарсон бўлиб қолган эди. Қариндошлар ўзаро келишиб, Саидани Жамол Расуловга узатишади. Саида опа эрининг болаларини оналик меҳри билан улғайтирди ва ўзи ҳам уч нафар фарзанд кўрди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, яна қариндошлар ўртага тушиб опаси Очилойнинг ўғли Низом билан қизи Муҳайёнинг бошини қовуштиришди. Бахтга қарши Муҳайё хаста бўлиб қолди ва Низомни бошқага уйлантиришди. Улар бир тараф, Саида опа ва Муҳайё тақдирига ачинган қариндошлар бир тараф. Жанжалдан безиган Жамол Расулов уйидан чиқиб кетади. Саида опа эса хаста Муҳайё ҳамда бошқа фарзандлари билан ўзи қолади. Ўртада Малика момога қийин бўлди. Кичик қизи Саида ва невараси Муҳайёнинг тақдирига куйиниб, катта қизи Очилой, куёви Юсуф Расулов ҳам невара, ҳам куёви Низомнинг қилмишидан шикоят қилишга мажбур. Ҳамма фарзандига бирдек оқ сут берган она учун бундан оғир кулфат борми?

— Бу жанжални тинчитишга ҳаракат қилгандик, — дейди бизга Қуйиоқбой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Ашуров. — Ўзим уйларига бордим. Маълум бўлишича, кичикроқ иморат қуриб беришса, Муҳайё онаси ва қизчаси Иқболой билан яшамоқчи бўлган. Шунда Саида опанинг эри Жамол Расулов уйига, фарзандлари ёнига қайтган бўларди...

Саида Нажимованинг адолат талаб қилиб ёзган шикоятлари ўзини, мартабасини, чўнтагини ўйлаётганлар гирдобида кўмилиб кетди. Туман прокуратураси «оилавий можаро экан», деб ички ишлар бўлимига оширди. Милиция бўлимида «урди» деган даъволар чуқур текширилмай, «никоҳдан қонуний ажратилган», деган хулоса билан иш ёпилди. Биз ўтказган текширишдан аён бўлдики, никоҳ Китоб туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири Матлуба Жумаева томонидан бекор қилинган экан. «Нимага асосландингиз?» деган саволимизга: «Суднинг қарорига» деган жавобни олдик ундан.

— Аввало, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларига юқоридаги сингари никоҳларни бекор қилиш ҳуқуқи берилмаган, — дейди Китоб туман судининг раиси Ўрол Самандаров. — Ўртада фарзанд, мол-мулк, таъминот низоси бўлса, албатта, суд кўриб чиқиши керак эди. Бундан ташқари ҳеч бир судга қонунда кўрсатилганидек, руҳий хаста аёлнинг эри зиммасига боласи ва хотинини моддий жиҳатдан таъминлаш мажбуриятини юкламасдан туриб, қарор чиқармайди.

Воқеа бундай бўлганди. Туман прокурори 2-гуруҳ ногирони Нажимова Муҳайёни муомалага лаёқатсиз, деб топиш ҳамда васий тайинлаш ҳақида судга даъво аризаси киритди. Суд тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб шундай қарорга келди: «Китоб туман прокурорининг даъво аризаси қаноатлантирилсин. 1971 йилда туғилган Нажимова Муҳайё муомалага лаёқатсиз, деб топилсин. Нажимова Муҳайёнинг онаси Нажимова Саида васий қилиб белгилансин. Нажимова Муҳайё номидаги битимларни васий Нажимова Саида амалга оширсин».

Шу ўринда қизиқ ҳолатлар мавжуд. Прокурор 1997 йилнинг 31 сентябрида судга даъво аризаси киритган. Муҳайёнинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақидаги ҳал қилув қарори суднинг 1 декабрдаги йиғилишида қабул қилинган. Энди эътибор беринг: Малика момонинг айтишича, Низом Расулов 1998 йилнинг 18 апрелида тўй қилиб, иккинчи марта уйланган. Китоб туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг махсус дафтарида 47-рақам билан никоҳ 1997 йилнинг 28 июлида бекор қилинган, деб қайд этилган. Демак, никоҳ Муҳайёнинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақидаги суд қарори чиқмай туриб, бекор қилинган экан-да?

Туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири, ҳуқуқшунос Матлуба Жумаева наҳотки булардан бехабар бўлса? Нега у суднинг қарорига биноан Муҳайёнинг васийси этиб белгиланган Саида Нажимовани чақирмади? Агар шундай қилса Муҳайёнинг 5 ёшли Иқболой деган қизчаси борлигидан бехабар қолмас, қайдномага «боласи йўқ!» деб ёзиб қўймасмиди?. Умуман, унинг бу никоҳни бекор қилишга қонуний ҳақ-ҳуқуқи борми ўзи?

Бу саволга жавоб ўрнида у бизга 1995 йил «Адолат» нашриётида чоп этилган «Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш тартиби тўғрисида йўриқнома»ни кўрсатди. «Йўриқнома»нинг 98-бандида никоҳ «суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса» бекор қилиниши кўрсатилган экан. Бошқа тавсия йўқ.

Агар масала судда кўрилганда, Низом Расуловнинг зиммасига фарзанди ва хотинини моддий таъминлаш мажбурияти юклатилган бўларди. Чунки руҳий хаста, қўлида боласи бор аёлни шундай ташлаб қўйишларига ҳеч ким томошабин бўлиб туролмайди. Янги кодексда қон-қариндошлар турмуш қуришлари тақиқланади. Биз сўз юритаётган Муҳайёнинг аччиқ қисматини олинг. Ахир, низо қон-қариндошлар орасида эмасми? Ёки қариндошлар никоҳи фақат эшон, саид, хўжа қавмлари ўртасидагина юз бераяптими? Асло! Маълумотга кўра, болалар уйига келтирилган ногирон гўдаклар асосан қариндошлар қўшилиши натижасида туғилиб бегуноҳ жабр тортаётганлар экан...

***Юнус УЗОҚОВ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири***

